



O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 14-sentabr • Seshanba • 109 (31.229) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!
Сиз ва Ўзбекистон халқи Рамазон ҳайитини нишонлаётган ушбу кутлуг айёмда Америка халқи ва шахсан ўз номимдан йўллаётган энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.
Муборак Рамазон ойи якунига етмоқда, ушбу айём Сизга оила аъзоларингиз ва яқинларингиз даврасида тинчлик-хотиржамлик ва осойишталик неъматидан янада кўпроқ баҳраманд бўлиш имконини берди, деб ўйлайман.
Сизга ва Ўзбекистон халқига тинчлик, сиҳат-саломатлик ва равнақ тилайман.
Ҳайитингиз муборак бўлсин!

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

ИЖТИМОИЙ ШЕРИКЛИК ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан таърифлаб берилган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деган принципни рўйбга чиқариш жамиятни муваффақиятли ўзгартиришнинг калити ҳамда ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг устувор йўналишидир.

Мазкур принципнинг гоёта муҳим қисми фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини оширишдан иборат. Бу ташкилотлар ижтимоий, социал-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ҳал қилишда ҳоқимият органларининг ҳақиқий ҳамкорига айланмоғи керак. Давлатимиз раҳбари ана шунга асосланиб, «нодавлат, жамоат ташкилотларининг, энг аввало фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ва фаоллигини оширишда ёрдам кўрсатиш керак» деб таъкидлаган эди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини такомил-

лаштириш масалалари яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди билан биргаликда ташкил этилган давра суҳбатига муҳокама қилинди.
2008 йил июль ойида мамлакатимиз парламентининг иккала палатаси Кенгашлари томонидан қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарор нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

УЛУҒ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

Самарқанд шаҳрида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали ва музейининг очилиш маросими бўлиб ўтди



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш, улар номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар ва тарихий обидаларни обод этиш, асраб-авайлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва бу хайрли иш изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, Самарқандда ҳам халқимиз фахри бўлган Имом Бухорий, Абу Мансур Мотурудий, Амир Темур, Хожа Аҳрор Валий, Мирзо Улуғбек каби улуг зотларнинг муборак номлари улугланиб, юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

1994 йили Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳридаги Улуғбек обсерваторияси ва мадрасаси ҳудудида кенг қўламли бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шаҳардаги асосий кўчалардан бири, шунингдек, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига улуг аллома номи берилди.

→2

Дастурий
вазифалар
амалий
ижроси →2

Қоғоз
ҳам
нон каби
азиз →3

Токиодан
олтин,
Москвадан
2 та
кумуш →4

Мамлакатингиз нодир қўлэмаларга бой кутубхоналари, тарих, табиат, маданият ва санъат ҳақида ҳикоя қилувчи музейлари, маҳобатли мадраса ва масжидлари билан сайёҳларни ҳайратга солмоқда.

Шифокор бўлганим учун Ўзбекистондаги шифо масканлари билан танишдим.

Мамлакатингизда тиббиёт соҳасини ислох қилиш борасида амалга оширилаётган хайрли ишлар таҳсинга сазовор.

Эл-юртингизга фаровонлик ва равнақ тилайман.
Моҳд ШАҲМИЙ
(Малайзия)



Муносиб ўринбосарлар кўриги

ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2010

Вақт ўтаверади, бир авлод ўрнини иккинчи авлод тўлдириб келаверади. Эртанги кунимиз, келажакимиз қандай бўлиши ўсиб келаётган мана шу ёшларга боғлиқ. Мамлакатимизда эртанги кун эгалари муносиб тарбия топиши учун барча шароитлар яратиб берилмоқда.

Яқинда нишонланган Мустақиллик байрамида Юртбошимиз менинг энг катта умидим ва ишончим мана шу мухташам майдонга чи-

рой бериб ўтирган сиз, азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч қимдан кам бўлмайман, деб, замонавий

билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди, деб ишонч ва ғурур билан таъкидлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ана шу юксак орзулар йўлидаги кенг камровли ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилиб келади. Мана, уч йилдирки, партия мунтазам равишда ёш сиёсатчи танловини ўт-

казади. 2008 йили танловда тўрт мингдан ортиқ ёшлар қатнашган бўлса, 2009 йилда беш мингдан ортиқ, бу йил эса 7500 ёш иштирок этди. Дастлабки икки босқичда сараланган 14 нафар ёш сиёсатчи сўнги босқичга йўлланишга қўлга киритган эди. 8-9 сентябрь кунлари «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2010» кўриқ-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

→2

ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ «БАРҚАРОР» ДЕБ БАҲОЛАМОҚДА

Жорий йилнинг 30 август куни «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги «Ўзбекистон. Банк тизимининг ривожланиш истиқболлари» шарҳини эълон қилди ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларини «барқарор» деб баҳолади.

«Мудис»нинг ушбу шарҳига кўра, мазкур баҳо Ўзбекистон банкларининг глобал иқтисодий инқироз шароитида барқарорлиги, уларнинг активлари ҳамда капиталлашув даражасининг ўсганлигида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон ҳукумати томонидан инқирозга қарши кўрилган қатъий чоралар, мамлакатда давом этаётган иқтисодий ўсиш банклар кредитларидан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳолати ёмонлашувининг олдини олди.

Глобал иқтисодий инқироз оқибатида Ўзбекистон экспорт қилаётган товарларга талаб ва нархларнинг пасайишига қарамай, фискал чораларнинг кўрилиши туфайли мамлакат иқтисодиётида ҳеч қандай салбий аломатлар кузатилмади. «Мудис» таҳлилчиларининг фикрига

кўра, Ўзбекистон ҳукумати, кенг миқёсда контр циклик чоралар кўрилишига қарамастан, 2005 йилдан буён давлат бюджетининг профицитини таъминлаш, давлат қарзлари ҳажмини паст даражада сақлаш орқали молия тизимини самарали бошқариб келмоқда. Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати жорий ўн йилликнинг биринчи ярмидаги ўртача 4,8 фоиздан 2008 йилда 9 фоизгача ошди, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этди.

«Мудис» таҳлилчиларининг қайд этишича, Ўзбекистон ҳукумати молия тизимини самарали тартибга солиш ва мониторинг қилиш орқали, шунингдек, тўғридан-тўғри молиявий қўйилмалар киритиш йўли билан қўллаб-қувватламоқда.

→2

ОБ-ҲАВО 14-15.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀ 34°C	☀ 35°C
Самарқанд	☀ 35°C	☀ 36°C
Нукус	☀ 35°C	☀ 37°C
Қарши	☀ 37°C	☀ 38°C
Урганч	☀ 36°C	☀ 37°C
Навоий	☀ 35°C	☀ 37°C
Фарғона	☀ 35°C	☀ 36°C
Бухоро	☀ 35°C	☀ 37°C
Андижон	☀ 35°C	☀ 36°C
Наманган	☀ 35°C	☀ 36°C
Термиз	☀ 35°C	☀ 38°C
Жиззах	☀ 35°C	☀ 36°C
Гулистон	☀ 35°C	☀ 36°C
Тошкент вил.	☀ 35°C	☀ 36°C
Лондон	☁ 20°C	☁ 22°C
Париж	☁ 23°C	☁ 22°C
Москва	☁ 16°C	☁ 16°C
Мадрид	☁ 25°C	☁ 23°C
Пекин	☁ 27°C	☁ 28°C
Гонгконг	☁ 29°C	☁ 31°C
Рим	☁ 27°C	☁ 26°C
Анкара	☁ 28°C	☁ 30°C
Токио	☁ 35°C	☁ 34°C
Стокгольм	☁ 16°C	☁ 15°C
Кейптаун	☁ 22°C	☁ 24°C
Кохира	☁ 20°C	☁ 21°C
Гавана	☁ 32°C	☁ 30°C
Вашингтон	☁ 29°C	☁ 29°C

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМАТИ

1 Австралия доллари	1504,92	1 Миср фунти	283,49	1 СДР	2446,25	10 Жанубий Корея вони	13,92
1 Англия фунт стерлинги	2491,48	1 Канада доллари	1565,96	1 Туркия лираси	1084,36	10 Япония иенаси	192,19
1 БАА дирҳами	440,39	1 Хитой юани	239,20	1 Швейцария франки	1592,16	1 Россия рубли	52,35
1 АҚШ доллари	1617,32	1 Малайзия рингити	521,72	1 Евро	2066,65	1 Украина гривнаси	204,51

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмagan.

Муносиб ўринбосарлар кўриги

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, уларнинг сиёсий билими ва фаоллигини ошириш партия «Истиқбол» ёшлар қанотининг асосий вазифаларидан биридир, — дейди қанот етакчиси Файрат Мамажонов. — Қонунларни кенг тарғиб қилиш, мамлакатимизда эркин демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашда танлов ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Танлов бу йил янги раҳбар ва шаклда ташкил этилди. Бу эса беллашувлар катта қизқиш ва кўтаринки кайфиятда ўтишига хизмат қилди.

Мазкур танловда 30 ёшгача бўлган партия аъзолари қатнашиш имкониятига эга. Ҳар йили танлов қатнашчилари орасидан сиёсий етакчилик қобилиятига эгаларни аниқлаш ва улар иқтидорини янада ривожлантиришга ҳаракат қилинаётгани унинг аҳамияти нечоғли катта эканидан дарак беради.

Бу йилги танловнинг якуний босқичи икки кун давом этди. Қорақалпоғистон Республика-



си, вилоятлар ва Тошкент шаҳри микёсида ғолибликни кўлга киритган истеъдодли ёшлар ўз маҳоратини, сиёсий билимини синовдан ўтказишди. Дастлаб, партия Марказий Кенгашида иштирокчилар видеороликлар шарт бўйича беллашди. Сўнгра эса мавзуга доир саволларга жавоб беришди, нотиклик санъатини намойиш қилишди. Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида фақатгина биринчи шарт бўйича маҳорат кўриги бўлиб ўтди. Бу таништирув бўлиб, унда ёшлар ўзларининг худудида-

ги партиянинг бошланғич ташкилоти ва ёшлар қанотининг фаолияти ҳамда бу жараёнларда ўзининг иштироки тўғрисида батафсил тушунча беришди.

— Иштирокчиларнинг чиқишларини кузатар экансиз, уларнинг ҳар бири катта тайёргарлик кўргани, қобилияти, сиёсатчиларга хос фазилатлари кўртак ёзаётгани яққол сезилиб турганини кўрасиз, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши раисининг ўринбосари, танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси Акмал Умаралиев. —

Мен партияимиз ёшлар қаноти ташаббуси билан ўтказилаётган мазкур танловни ҳар йили кузатиб бораман. Бу йилги иштирокчиларнинг савияси анча ўсгани алоҳида сезилиб турди. Бундан ташқари, беллашувлар икки кун давомида ўтгани ҳам иштирокчилар бор имкониятларини намойиш этишлари учун қулайлик яратди. Очиги, уларнинг чиқишларини ҳолис баҳолаш ҳакамлар ўртасида ҳам қизгин баҳсларга сабаб бўлди. Нимага десангиз, барча иштирокчиларнинг чиқишлари муносиб баҳога лойиқ эди.

Ҳақиқатан ҳам, партияимиз ёш фаоллари сиёсий-ҳуқуқий билимдонлик, нотиклик, жамоатчилик олдида ўзини таништириш, аудитория билан ишлаш борасида тўплаган билим ва маҳоратларини синовдан ўтказишди. Ўзларининг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини намойиш этишди.

Қизгин беллашувлар, баҳс-мунозаралар, қизқарлик чиқишлардан сўнг Сурхондарё вилоятдан Авазбек Омонов биринчи ўринга лойиқ топилди. Жиззахдан Баҳриддин Доғиёров иккинчи, Тошкент шаҳри вакили Бахтиёр Атаханов учинчи ўринга муносиб топилди. Ғолиблик ҳамда барча иштирокчиларга дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

Бехзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

УЛУФ АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Буюк фалакиётшунос олим таваллудининг 615 йиллиги муносабати билан 2009 йил бутун дунёда Халқаро астрономия йили, деб эълон қилинди. Ҳуррамизда, жаҳоннинг турли мамлакатларида Мирзо Улуғбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссаси мавзусида қатор халқаро анжуман ва симпозиумлар ўтказилди. Ушбу тадбирларда буюк бобокалонимизнинг дунё астрономия фани ривожига ўрни алоҳида эътироф этилди. Мирзо Улуғбек томонидан 1428-1429 йилларда Самарқанд шаҳри яқинидаги Кўҳак тепалигида, Обираҳмат ариғи бўйида бунёд этилган уч қаватли улкан расадхона ва ундаги радиуси 40,2 метрлик секстант самодого минглаб юлдузлар ҳаракатини кузатиш имконини бергани ва коинот илмига доир бир қатор математик рақамлар аниқ баён этилгани билан дунёдаги расадхоналардан ажралиб тургани яхши маълум.

Жорий йилнинг март ойида Президентимизнинг ташаббуси ва тавсиялари асосида Мирзо Улуғбек расадхонаси худудида кенг қўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари бошланди. Музейнинг эски, кўрimsиз биноси бузилиб, унинг ўрнида замонавий лойиҳа асосида расадхонанинг қадимий кўришни эслатадиган янги бино қуришга киришилди. Музей ва расадхона ташқи девор қисми мезоника ва майолика билан безатилди. Музейга кирадиган икки томонлама зиналар гранитдан ишланди. Зинапоя четида ўрнатилган 208 метр узунликдаги замонавий, қўркам панжаралар Самарқанддаги «Кинап» заводидан тайёрланди.

Мирзо Улуғбек ҳайкали музейнинг замонавий кўринишига тўла мос келади. Ҳайкал Ўзбекистон халқ рассоми Равайн Миртожиев томонидан яратилди. Ҳайкалнинг орқа томонидagi юлдузли осмон тасвири туширилган панно ҳам уни

мазмунан тўлдириб турибди. Бу иш Ўзбекистон Бадий академияси аъзоси Рустам Солиҳонов ва унинг шогирдлари томонидан бажарилди.

Расадхона худудида ўрнатилган замонавий чироклар тунда ҳам мажмуани нурга тўлдириб, унинг жозибасини янада оширади.

Янги музейнинг экспозицияси ҳам унга мос тарзда, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадий академия томонидан яратилди. Экспозиция асосан икки қисм ва олти бўлимдан иборат. Биринчи қисмда Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби сифатидаги, иккинчи қисмда эса унинг олимлик фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Музейда Мирзо Улуғбек даврига хос юздан зиёд ашёлар намойиш этилмоқда. Шунингдек, бу ерда қўшимча равишда макетлар, муляжлар, китоблар, асл нусхадаги секстант асбоби бўлаги ҳам мавжуд. Музей экспозициясида Мирзо Улуғбек билан боғлиқ маълумотлар иккита сенсорли компьютерларда жойлаштирилиб, намойиш этилади.

Маросимда Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш.Солиҳов, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Қўзиёв, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, СамДУ ректори Т.Ширинов, Зулфия номидagi Давлат мукофоти соҳибаси Д.Салимова ва бошқалар Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган мазкур мажмуа халқимизнинг, буюк мунажжим, фалакиёт илми султони Мирзо Улуғбек даҳосига чексиз эҳтиромни рамзи эканини таъкидладилар. Бу иншоот фақат зиратгоҳ бўлиб қолмай, аллома илмий меросини ўрганишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокими У.Барноев иштирок этди.

Ғолиб ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

ЕТАКЧИ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ АГЕНТЛИКЛАРИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI BANK ТИЗИМИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ «БАРҚАРОР» ДЕБ БАҲОЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Банклар капиталини ошириш билан бир қаторда ҳуқуқат муайян банклар орқали индустриал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни (масалан, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши) молиялаштириш амалга ошириш келмоқда. Бундай молиялаш банклар ликвидлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Устувор тармоқлар ва лойиҳаларни молиялаштиришни рағбатлантириш мақсадида банклар учун бир қатор солиқ имтиёзлари жорий этилган. Шунингдек, ҳуқуқат сугурта қилинадиган депозитлар ҳажмига чекловларни бекор қилиш орқали банк тизимида омонатчилик учун депозитлар жозибадорлигини оширишди.

«Мудис» экспертларининг таъкидлашича, 2009 йил охирига келиб, Ўзбекистон банклари активлари сифат жиҳатдан янада яхшиланди, хусусан, давлат томонидан йўналтирилган деярли 400 миллиард сўм ёки қарийб 300 миллион доллар ҳажмидаги маблағлар эвазига банкларнинг капиталлашув даражаси ўсди. Банклар капиталлашувининг ички ресурслар ҳисобидан сезиларли даражада ўсиши билан бирга, улар кредит ёки инвестициялар бўйича эҳтимолли йўқотишларни қоплаши учун етарли ресурсларга эга.

2009 йилда умумий кредитлар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айни вақтда, аҳоли омонатларининг ўсиши юридик шахслар депозитлари ўсишидан юқори бўлди ва бу тенденция давом этиши мумкин. Ликвид-давом асосий курсаткичлари келгуси 12-18 ой мобайнида ҳам ўзгаришларсиз сақланиб қолади ва ҳар қандай кўзда тутилмаган харажатлар ликвид маблағлар ҳисобидан ёки банклар фаолиятини тартибга солувчи давлат органи томонидан қўллаб-қувватлаш орқали қоплаши мумкин. Халқаро молия бозорларидаги юз берадиган ўзгаришлар Ўзбекистон банкларига сезиларли даражада ҳавф

сола олмайди, чунки молиялаштиришнинг чет эл валютасидаги таъки манбалари банк тизими жами мажбуриятларининг 15 фоизидан ошмайди.

Ўзбекистондаги аксарият банкларнинг ликвидлиги, халқаро рейтинг агентликлари томонидан «барқарор» деб баҳоланган. Ўтказилган «стресс-тест»лар банк тизимида ликвидликнинг кескин ўзгаришчанлик эҳтимоли пастлигини кўрсатди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги таҳлилчилари ақин келажакда Ўзбекистон банкларининг ликвидлигига ҳеч қандай таъки сезиларли ҳавф кўтилмаётганини таъкидлади. Халқаро молия бозоридagi ликвидлик ҳолати Ўзбекистон банкларининг ликвидлигига салбий таъсир ўтказма олмайди.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлиги экспертларининг эътирофи этишича, Ўзбекистон ҳуқуқати томонидан кўрилган зарур чора-тадбирлар, глобал инқироз даврида кўтилмаган таҳдидлар билан курашишига тўғри келган бошда давлатлардан фарқи равишда, асосан, узоқ мuddатга мўлжалланган бўлиб, фавқулодда чоралар кўришни талаб этмайди. Шу муносабат билан, уларнинг прогнози бўйича банкларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг узоқ мuddатга мўлжаллангани давлатнинг банк тизимидан «тезда чиқиб кетиш» ҳавфини чеклайди ва бу банк тизими учун ижобий омил ҳисобланади.

«Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарорлиги борасидаги фикрига бошқа нуфузли халқаро рейтинг агентлиги — «Стандарт энд Пурс» ҳам қўшилган.

«Стандарт энд Пурс» таҳлилчилари Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозорларига нисбатан камроқ боғлиқлиги ва уларнинг ташқи қарзлари ҳажми бошқа давлатларга, жумладан, қўшни Россия, Украина ва Қозғоғистон банкларидagi нисбатан пастлиги мамлакат банк тизимини халқаро молия бозорларида учрай-



Лола ЁҚУБОВА,
танловнинг Қашқадарё вилоят босқичи ғолиби:

— Партияимиз сафида сиёсий фаоллигим ошди, жамиятда, мамлакатимизда бўлаётган янгиланиш ва ўзгаришларга, сиёсий жараёнларга оғоҳлик билан қарай бошладим. Бунда, албатта, «Ёш сиёсатчи» танловининг таъсири катта. Унда иштирок этиш мобайнида қанча кўп ўқисак, шунча кам билишимизни англадим. Бу билан шунга айтмоқчиманки, биз ёшлар ҳали кўп ўқи-ўрганишимиз керак, ҳаётда биз билмаган соҳалар, жараёнлар кўп...



Энжон ШИРИЕВА,
танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ғолиби:

— Мамлакатимизда ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳар томонлама етуқ инсон қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ана шу гамхўрликка муносиб бўла оlishимиз зарур.

Мазкур танловга ёшларнинг қизиқиши йилдан-йилга оshиб бораётти. Натижада ЎАХДП сафи ташаббускор, билимли, фаол ёшлар билан кенгаймоқда. Мен ҳам ана шундай ёшлар қатори танловнинг республика босқичида қатнашганимдан мамнунман. Муҳими ғалаба эмас. Асосийси, сиёсий билимимни яна бир бор синовдан ўтказдим, янги-янги сафдошларим билан танишдим, кўп дўстлар орттирдим. Айтиш жоизки, ҳар бир иштирокчидан нимадир олдим, таъриба алмашдим. Бу эса келажакда менга жуда асқотади.



Отабек МАҲАММАТОВ,
«Истиқбол» ёшлар қаноти Самарқанд вилоят бўлими етакчиси:

— Самарқандда 30 ёшгача бўлган партия аъзолари 2000 нафардан зиёд. Улар ЎАХДП дастурий мақсадларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўлиб келаяпти. Танлов вилоятимизда катта қизиқиш ва алоҳида тайёргарлик билан ўтказилди, 140 нафар ёшлар унда ўз кучини синаб кўрди. Бу ўтган йилларга нисбатан юқори курсаткич ҳисобланади. 4 та шарт бўйича беллашган иштирокчиларнинг энг саралари республика босқичида юзма-юз келишди. Уларнинг ҳар бири иштиёқ, ғайрат ва алоҳида тайёргарлик билан келган. Бу, айниқса, танловнинг нотиклик шартига яққол сезилди. Унда иштирокчилар депутатликка номзод сифатида ўз сайловолди дастурини тақдим қилишди. Дастурда ўз худудларидаги аҳолини қийнаётган муаммолар, ёшлар ҳаётига оид масалалар қамраб олинган. Иштирокчилар бу соҳани чуқур ўрганишган, атрофликча таҳлил қилишган, уларнинг ечимини бўйича ўз тақлиф-тавсияларини ишлаб чиқишган. Бу эса партияимиз сафида юртимиз тақдирига бефарқ бўлмаган ёшлар кўплигидан далolat беради.



Умиджон СОЛИЕВ,
«Истиқбол» ёшлар қаноти Наманган туман бўлими етакчиси:

— Танлов Наманганда ҳам кўплаб иқтидор эгаларини кашф этди. Вилоят босқичи Косонсой туманида бўлиб ўтди. Унда 220 нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этди. Улар сафида Зулфия номидagi Давлат мукофоти лауреатлари, илм-фан, спорт соҳасида кўплаб ютуқларга эришган йигит-қизлар бор. Танлов ўтказилиши баробарида вилоят ёшлари орасида партияга, унинг мақсадларига қизиқиш ва хайрихоҳлик ортди.



Ҳосият ЖҲРАЕВА,
танловнинг Бухоро вилоят босқичи ғолиби:

— Партия сафига кирганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо шу вақт ичида эл-юрт манфаатлари йўлида ҳаракат қилишни, бутун куч ва имкониятни эзгу мақсадларга сарфлашни ўргандим. «Истиқбол»га бирлашган ёшлар бу борада кўплаб ташаббусларни илгари сураяпти. Бугунги танлов шартларида иштирокчилар томонидан айнан шу ҳаракат ва ташаббуслар намойиш этилди.



Шаҳноза ТАНҒРИЕВА,
«Истиқбол» ёшлар қаноти Жиззах вилоят бўлими етакчиси:

— Бугун ҳаммамиз Ватан, миллат тақдирига, эртанги кунга, атрофимизда кечаётган ўзгариш ва ислохотлар, бунёдкорликка масъулмиз. Бу, шубҳасиз, келажакимизни таъминлайди. Ўз тақдирига масъул бўлган ҳар бир замондошимиз Ватан тақдирига ҳам масъуллигини ҳис этади. Айнан шунга ёшлар онгидида шакллантиришда танловнинг аҳамияти катта, деб ўйлайман.

Гулруҳ ОДАШБОВА ёзиб олди.

Дастурий вазифаларнинг амалий ижроси

Тарғиботчи

■ Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлиги Шойра Абборованин номзоди кўрсатилганда ҳамқишлоқлари мамнун бўлишганди, уни қўллаб-қувватлашганди. Бугун депутат ана шу ишонччи оқлаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

Партия гоё ва мақсадларини тарғиб қилиш, эл-юрт фаровонлиги учун кишиларни фидойиллик ва ҳамжиҳатликка ундаш унинг асосий мақсади-дир. Бу борада депутат қўллаб ишларни амалга ошираётти. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, Инқирозга

қарши чоралар дастури асосидаги режалар, вилоят Кенгашидаги партияимиз депутатлиги гуруҳи томонидан белги-ланган ишлар ва тавсиялар Шойра оланинг депутатлик фаолиятини олиб боришдаги асосий йўналишларидан саналади.

Партия дастурида белги-ланган ижтимоий ҳимоя масаласига депутат алоҳида эътибор қаратади. У ўз ваколатидан фойдаланиб, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам уюштириш келмоқда. Шунингдек, опанинг сайй-ҳаракати билан йилнинг ўтган даврида кекса отахон ва онахонлар, қишлоқ ёшлари Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларидаги зиёратгоҳларда бўлиб қайтишди. Ҳар бири юмуш, тадбир аввалида кишилар билан суҳбатлар ўтказди, партияимиз гоёлари нақадар долзарб эканини амалиёт билан бог-

лаб тушуниради. Поп туман партия кенгаши раҳбари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида тўплаган таърибаси унга жуда кўл келмоқда.

— Тарғиботчилик фаолиятини кўпроқ қонунлар шарҳига, уларнинг амалиёти ва янги таҳрирдаги фарқларини тушуниришга қаратаман, — дейди депутат. — Президентимиз айтганидек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ислохотларимиз истиқболлини белгилайди, мақсадларимизга тезроқ эришишимизни таъминлайди. Бундан ташқари, ўзаро тотув-ликнинг аҳамияти, бир-биримизга меҳр-оқибатли ва ҳаммисга оғоҳ бўлишимизнинг ҳосияти ҳақида тушунириш ишларини ҳеч қачон усайит-масъулигимиз керак.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ВА АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК ПРИНЦИПЛАРИ АСОСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ушбу қўшма қарор нодавлат нотижорат ташкилотларни аҳоли эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ фаолиятга кенг жалб этишни назарда тутди. Ана шу мақсадларда парламент комиссияси раҳбарлик қиладиган Нодавлат нотижорат ташкилотларини раҳбарлик ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди тузилган эди.

Масалани давра суҳбатига батафсил муҳокама қилиш асносида унинг иштирокчилари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат

ҳокимияти ва бошқарув тузилмалари, шунингдек, маҳаллий вакиллик ҳокимияти органлари билан узвора ҳамкорлигини кучайтириш заруриги кўрсати ўтилди. Тадбир якунида нодавлат нотижорат ташкилотларининг жойлардаги депутатлар корпуси билан янада фаол ҳамкорлик қилишни рағбатлантиришга йўналтирилган тавсиялар қабул қилинди.

Давра суҳбатига сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг тегишли доимий комиссиялари раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бошқа фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

(ЎЗА)

ҚОҒОЗ ҲАМ НОН КАБИ АЗИЗ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини ўқиб

Қарор ва ижро

Бугун жамиятни, ҳаётимизни қоғозсиз тасаввур қилиш қийин. Инсон турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланган қоғоз тараққиётнинг асосий воситаларидан бири сифатида ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин эгаллади. Қоғоз ҳаётнинг барча жабҳаларига шу қадар чуқур сингиб кетдики, инсоният учун сув ва ҳаводек зарур нусурга айланди.

...Катта ёшдагилар яхши эслайди. Шўро замонида қоғоз сарфи шу даражага чиққан эдики, одамларда дунёда энг арзон ва битмас-туганмас нарса – бу қоғоз бўлса керак, деган тушунча пайдо бўлган. Бозорда гўшт ўрашдан тортиб тракторнинг эҳтиёт қисмларини тозалашгача қоғоз ишлатилар эди. Қоғознинг ёзув, газета, офсет ва бошқа турларидан фойдаланишда исрофгарчилик шу даражага чиққанини айрим фильмлар, миниатюралар орқали кўриб, ҳалигача ҳайрон қоламиз.

Қоғозни тежаш, унинг қаердан келаятигани, нима ҳисобига ишлаб чиқарилганини ўйлаш одамларнинг бутунлай ёдидан кўтарилган. Энг ёмони, «қоғозбозлик» деган иллат авжига чиққан эди. Босаётган ҳар бир қадамнинг, бутун ҳаётнинг асосида қоғоз бўлиши лозим бўлиб қолган эди ўшанда.

Бу ҳол, албатта, ўзининг аянчли оқибатларини кўрсатди. Қоғоз бирор кетдан қазиб олинмаслиги, ҳар бир варақ қоғоз – бу неча йиллар ҳисобига вояга етган дархат экани кейинчалик, қоғозбозлик сийсати анча давом этгандан сўнггина «маълум» бўлди. Қоғозбозликнинг авж олиши аввало табиатнинг бузилиши, атроф-муҳит гултожи бўлган ўрмонларнинг аёвсиз даражада кесилишига олиб келди.

Қоғозбозликдан амалий ишларга

Мустақил Ўзбекистон тараққиёт йўлини белгилар экан, амалга оширилаётган ҳар бир иш, ҳар бир саъй-ҳаракат қоғоз учун эмас, аввало инсон ва унинг манфаатлари учун, деган энг муҳим ҳаётий тамойилга асосланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида жамиятдаги муносабатларни аниқ амалий ишлар билан белгилашдек оқилона сиёсат танлаб олинди. Бу юртимизда қоғозни тежашнинг самарали тизимини амалга ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Утган йилларда қоғознинг ёзув, газета ва офсет турларини тежаш борасида кўплаб аниқ чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, кейинги уч йилда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари аппаратларида қоғоз сарфи 40 фоизгача қисқаргани эътиборга моликдир. Энг муҳими, жамиятимизда қоғозга ва уни ишлатишга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди.

Қоғоздан тежаб фойдаланиш борасидаги ишлар самарасида мамлакатимизда қоғоз маҳсулотларини тендер асосида харид қилиш тизимини ва сотиб олиш ҳаражатларини камайтириш тобора такомиллашмоқда. Қоғознинг аввало ёзув ва нуска кўпайтириш учун ишлатиладиган турларини ҳисобга олиш ҳамда улар-

нинг сарфланиши устидан назорат кучайтирилди.

Юртимиздаги вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмаларида қоғоздан тежаб-тергаб фойдаланиш учун максимал даражада имкониятлар яратилган. Шунга қарамадан ҳалигача айрим идораларда, бошқарув органларида қоғозни сарфлаш ва ундан оқилона фойдаланишга етарлича эътибор қаратилмаётган. Ортиқча қоғозбозликка йўл қўйлаётгани, афсуски, ҳалигача учрамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июль куни қабул қилинган «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу ҳўжат мамлакатимизда қоғоздан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, ахборот коммуникация технологияларини ва тизимларини жорий этиш самарадорлигини ошириш, бу борада давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг масъулиятини ошириш каби муҳим вазифаларни назарда тутади.

Қоғоздан оқилона фойдаланиш ва уни беҳуда ишлатмаслик биринчи гада юрт хазинасини тежашга олиб келади. Қоғоз сарфини камайтириш орқали бир йилда мамлакат миқёсида қанча маблағ тежалишини ҳисоб-китоб қилиб ўтирмайлик.

Ҳар биримиз бир кунда ишлатадиган қоғозга ва уни максимал даражада тежаб ишлатишга кетган ҳаражатни ҳисоблаб чиқсак, бу яққол ойдин бўлади. Яқинда интернет сайтларининг бирида ўқиб қолдим. Германиянинг айрим идораларида бор-йўғи бир варақ қоғозни беҳуда ишлатган ходимга нисбатан қаттиқ чора кўрилар экан. Унинг бу иши мамлакат бюджетига катта зарар сифатида баҳоланар экан.

Электрон варианты яхшими ёки қоғоздагиси?!

Кейинги пайтларда ўзaro маълумот алмашишда бу саволни бериш одат тусига айланмоқда. Бирор жойдан маълумот олишда уни узатаётган киши «Электрон вариантыни жўнатаями ёки қоғоздагисини?» қабилида савол беради. Ахборот-коммуникация технологиялари мислсиз даражада ривожланган XXI асрда бу саволнинг ўзи ортиқча эмасмикан? Нима учун «Сўраган маълумотингизни электрон почтагизга жўнатдингиз? Демаймиз?! Устига-устак «Яхшиси» факс орқали узата қолинг, электронини келадими-йўқми...», деб ҳам қўямиз. Қачон,



қаердан, соат нечада, ҳатто кимнинг компютеридан жўнатилганигача аниқ бўлган электрон почтага ишонмасдан, харфлари зўрга кўринган факс қоғозни афзал кўраемиз. Энг ачинарлиси, бу маълумот ўн варақ қоғозга фақат факсда жўнатиш учунгина (кейин керак бўлмайдиган) принтер орқали чиқарилади. Уни қабул қилишга эса яна шунча қоғоз сарфланади...

Бу каби ҳолатларга барҳам бериш, вақт ҳамда қоғозни тежаш мақсадида мамлакатимизда барча шарт-шароит яратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 июлда қабул қилинган «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида барча соҳаларга компютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, ахборот тизимлари изчил суръатда жўриб этилмоқда. Электрон ҳўжат айлангани, давлат ва идоравий интерактив хизмат кўрсатиш турлари кенг ривожланаётган.

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳўжат айланиши тўғрисида», «Электрон тўловлар тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинган. Уларни ҳаётга изчил татбиқ этиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш учун етарли шарт-шароит яратилган. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг аксариятида қоғоз сарфини анча камайтириш имконини берган локал тармоқлар ва электрон ҳўжат айланиши тизими фаолият кўрсатмоқда.

Шунга қарамадан, айрим идораларда компютер имкониятларидан етарли даражада фойдаланилмоқда, деб бўлмайдиган. Хусусан, идорадаги барча ходимда компютер бўлса-да, ички идоравий маълумот айланишида, деб бўлмайдиган. Айрим ҳолларда ҳар бир масъул ходим учун маълумотнинг алоҳида нусхада кўпайтирилиши қоғознинг ортиқча исроф бўлишига олиб келмоқда.

Мисол учун, компютернинг энг оммалашган «Офис» программасида факс жўнатиш ва қабул қилиш учун махсус функция бор. У орқали электрон шаклдаги материални тўғридан тўғри факсга жўнатиш ёки жўнатилаётган факсни компютернинг ўзига

қабул қилиб олиш мумкин. Мазкур имкониятдан ҳатто тўлиқ компютерлашган айрим идоралар ҳам фойдаланмаётгани таассуфли ҳолдир.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қароридан ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш, аввало ички идоравий қоғоз ёзишмаларини тегишли равишда қисқартирган ҳолда, электрон ҳўжат айланишини кенгайтириш параметрларини қайта кўриб чиқиш, локал ва корпоратив компютер тармоқларини, шунингдек, бошқа ахборот тизимларини жорий этиш назарда тутилган.

Бир китоб – бир дархат

Маълумотларга кўра, 25-30 ёшдаги битта дархатдан А4 форматдаги 15 минг варақ қоғоз олина экан. Бир йилда бир киши учун ўртача миқдорда керак бўладиган қоғоз ишлаб чиқариш учун учта катта дархат «қурбон» бўлар экан.

Мана шу маълумотларнинг ўзиёқ қоғознинг қадрини, ундан оқилона фойдаланишнинг аҳамиятини яққол очиб беради. Шу боис ҳам аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида мазкур йўналишда тарғибот ишларини олиб бориш қоғозни тежашда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, турли китоблар, бадий адабиётлар, мактаб дарсликлари, ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш мuddатини узайтириш кўп жиҳатдан ўқувчиларнинг уларга нисбатан муносабатига боглиқ. Зеро, қоғозни тежашга ўргатган киши қоғоз ишлатилган ҳар бир нарсани асраб-авайлашга ҳаражат қилади.

Яқинда бир китобнинг сўнгги саҳифасида куйидаги сўзларга кўзим тушди: «Азиз ўқувчи! Олтимиз килограмм қоғоз 70-80 йиллик битта дархатнинг умридир. Бу китобни авайлаш орқали шундай дархатни асрашга ҳисса қўшган бўласиз». Дарҳақиқат, фарзандларимизни китоб ва дафтардан авайлаб фойдаланишга, қоғозни тежашга ўргатишда ана шундай самарали усулларни қўллаш фойдадан холи бўлмайдиган.

Бугунги кунда ўқув масканлари, барча минтақалардаги ахборот-ресурс марказларида, кутубхоналарда кўплаб адабиётларнинг электрон

нусхалари яратилмоқда. Бу ҳам келгусида уларни ортиқча чоп этмаслик, нашриёт сарф-харажатларини камайтириш имконини беради.

Айни пайтда нашриётларнинг мавзу режалари мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, мазмунан долзарб аҳамиятга эга бўлмаган, ўқувчиларда талаб кам бўлган адабиётлар нашр этилишига йўл қўймаслик юзасидан аниқ чоралар кўрилатган. Матбоа корхоналарини модернизация қилиш, соҳага замонавий технологияни олиб кириш орқали қоғознинг газетга, офсет ва бошқа турларини тежашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қоғозни қайта ишлаш унинг хомашё базасини янада ривожлантиришнинг муҳим омилдир. Иккиламчи қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаш учун тўплаш ва махсус жойларга топшириш тизимини такомиллаштириш бу борада катта аҳамиятга эга. Бунда ёшларнинг, хусусан, мактаб ўқувчиларининг фаол иштирокини таъминлаш ҳар томонлама самарали бўлиши шўбхасиз. Бу аввало ёшларда қоғозни тежашга бўлган интилишни кучайтирса, иккинчи томондан жойларда қоғоз чиқиндилари тўпланишининг, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олади.

Ушбу тизимни такомиллаштириш мақсадида иккиламчи қоғоз чиқиндиларини қайта ишлаш корхоналарини кўпайтириш, уларни модернизация қилиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳам қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишнинг таъминлаш бўйича энг муҳим вазифалардан бирини ҳал этишга хизмат қилади.

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани бутун дунёда эътироф этилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида эришилаётган бу кўрсаткичлар барча соҳаларда изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир. Шу маънода, қоғозни тежаш йўлидаги саъй-ҳаражатлар замирида ҳам юрт тараққиёти, халқ фаровонлигини ошириш, ҳар бир инсон манфаатини кўзлашдек эзгу мақсад мумжасам.

Хусниддин БЕРДИЕВ, (ЎЗА)

Хорижда Дунёда ИШСИЗЛИК рекорд даражага етди

Халқaro валюта жамғармаси ва Халқaro меҳнат ташкилоти ҳамкорлиқда тайёрлаган маърузада баён қилинишича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг дунёда ишсизлик кишилик жамияти тарихида энг юқори — рекорд даражага етди. Яъни бугунги кунда 210 миллион киши ишсиздир.




Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози белгилари асосан 2007 йилда бошланган ва бугунги кунда кўпгина давлатлар инқироз шароитидан чиққанини расмий эълон қилган бўлсалар-да, ишсизлик даражаси ҳануз юқоригина турибди.

Халқaro меҳнат ташкилоти маълумотларига кўра, 2007 йилдан кейин дунёда ишсизлар сони 30 миллион кишига кўпайган. Ишсизлик камайишига хизмат қилувчи иқтисодий белгилар, афсуски, кўп давлатларда сезилаётгани йўқ. Кейинги ўн йилда меҳнат бозорига кириб келувчи янги қувчалари иш билан таъминлаш учун тахминан 440 миллионга янги иш ўрни яратилиши лозим. Мавжуд ишсизликни бартараф этиш учун эса янада кўпроқ янги иш ўринлари яратиш талаб этилади.

Дастур ишлаб чиқиш зарур

озиқ-овқат карточкаси

Россия Федерациясининг Ижтимоий андзалар ишлаб чиқиш бўйича жамоатчилик палатаси ишчи гуруҳи аҳолининг кам таъминланган қатлами учун озиқ-овқат карточкаси жорий этиш таклифини илгари сурмоқда. Мамлакат бозорига ўз кучи билан маҳсулотларини олиб чиқиш қудратига эга бўлмаган фермер ҳўжаликларидан ушбу карточка бўйича маҳсулот сотиб олиш учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш ҳам назарда тутилмоқда.



Жамоатчилик палатаси аъзоси Борис Альшутиннинг айтишича, дейлади «Новости» АА хабарига, мазкур масалаларни ҳал этиш учун федерал дастур ишлаб чиқиб, қабул қилиш лозим.

Ўриндиқлар оралиғи кенгайтирилади

Бразилиянинг Сан-Паулу штати суди мамлакатнинг «ТАМ» авиакомпаниясига самолётлар ўриндиқлари оралиғини кенгайтириш мажбуриятини юклади. Бразилиянинг «Эстаду» АА бу ҳақда хабар тарқатди.

Шундай қилиб, ўриндиқлар оралиғи 74 сантиметрдан 84 сантиметргача кенгайтирилади. Ўриндиқ эни эса 50 сантиметрдан кам бўлмаслиги шарт.

Суднинг бу қарори янги ишлаб чиқариладиган самолётлар учун татбиқ этилади. Айни пайтда фойдаланувда бўлган самолётлар ўриндиқлари масофасини ўзгартириш масаласи эса шу кунларда алоҳида кўриб чиқилади.

Суднинг бундай қарор чиқаришига авайўловчилар томонидан билдирилган эътирозлар ва даъво шикоятлари сабаб бўлди. Мутахассисларнинг айтишича, мамлакат авиаташувларида юзага келган рақобат кўпроқ йўловчиларни самолёт салоинига олиш учун ўриндиқлар оралиғи қисқартирилишини юзага келтирган. Бу эса ноқонуний ҳаракат бўлиб, ўз ўрнида йўловчилар эътирозига сабаб бўлмоқда.

Дарвоқе, ўриндиқлар оралиғини кенгайтириш чораси Бразилиядаги «Gol» авиакомпаниясига ҳам жорий этилади.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банк Бошқаруви, қасаба уюшмаси ва жамоаси худудий тузилмалар фаолиятини ташкил қилиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи Раҳимжон Эргашевга онаси

Қаромат ЭРГАШЕВанинг вафоти муносабати билан чукюр таъзия изҳор этади.

Тиббиёт масканларида



Асака тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли туғуруқ мажмуи капитал таъмирдан чиқарилди. Ушбу шифо масканида она ва бола саломатлиги муҳофазаси борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: (чапдан) Асака тумани тиббиёт бирлашмаси туғуруқ мажмуи олий тоифали дояси Муаззамой Азимова ва мажмуа мудири Комила Мирҳўжаева ёш она Мафтуна Усмонова билан суҳбатлашмоқда.

Ш.Олимов (ЎЗА) олган сурат

Лойиҳа ташкилотлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.08.2010 йилдаги №Р-3486-сонли «Тошкент шаҳрининг марказий қисмида турар-жой массивининг мажмуий қурилиши чоралари тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ, Тошкент шаҳри марказий қисмининг архитектура-режалаштириш ва бадий қиёфасини янада яхшилаш мақсадида тузилган Тошкент шаҳрининг марказий қисмида турар-жой массивининг мажмуий қурилиши лойиҳаларининг танловини ўтказиш бўйича комиссия

Тошкент шаҳрининг марказий қисмида Бўзсув канали, А.Қодирий ва Шайхонтоҳур кўчаларининг чегаралари ичида умумий майдони 20,9 га бўлган турар-жой массивининг мажмуий қурилиши эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этмоқчи бўлган лойиҳа ташкилотлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳуқуқини берадиган лицензияга, шу каби қурилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш тажрибасига, тегишли мутахассисларга ҳамда шартномани тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий ла-

ёқат ва ваколатларга эга бўлиши лозим. Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй, тел. 244-86-84 манзили бўйича А.Д. Латипова мурожаат қилиш лозим.

Таклифларни қабул қилишнинг охириги мuddати 01.12.2010 йил соат 17-00 гача. Таклифларни кўриб чиқиш 03.12.2010 йил соат 12-00 да Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй манзили бўйича амалга оширилади.

Таклифлар Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй ман-



Токиодан олтин, Москвадан иккита кумуш

спортчиларимиз жаҳон чемпионатларидан шундай натижалар билан Ватанимизга қайтишмоқда

Токиода дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатининг 60 кг вазн тоифасида Ришод СОБИРОВ олтин медаль билан тақдирланди. Бу чемпионатда спортчиларга эришган натижасига кўра 2012 йилда бўладиган Лондон олимпиадасига рейтинг очколари берилгани учун 111 мамлакатдан 800 нафардан зиёд энг кучли дзюдочилар иштирок этишди. Жумладан, юртимиздан 13 нафар дзюдочи мусобақаларда қатнашди.

Чемпионатнинг тўртинчи куни спортчиларимиз учун муваффақиятли келди. Пекин олимпиадаси бронза медали совриндори Ришод Собиров гуруҳ беллашувларида барча рақибларини енгди. У ярим финалда россиялик дзюдочини доғда қолдирди, финалда украинлик спортчиға ҳеч бир имконият қолдирмади. Ҳозирги кунда 60 кг вазн тоифасида кўрсаткичига кўра жаҳонда етакчилик қилаётган Ришод чемпионатдаги бу галабаси билан Лондон олимпиадаси сари дастлабки дадил қадамини

ташлади.


Москвада эркин ва юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган жаҳон чемпионатида ҳам спортчиларимиз медаллари кўлга киритишди. Эркин курашнинг 84 кг вазн тоифасида Заурбек СОХИЕВ, 120 кг вазн тоифасида Артур ТАЙМАЗОВ жаҳон чемпионатининг кумуш медалларига сазовор бўлишди.

Хуллас, ўтган ҳафта ниҳоясига етган иккита жаҳон чемпионатида спортчиларимиз учта медаль билан шарафланди.

Асрор МҮМИН

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат «Халқ банки» танлов эълон қилади

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат «Халқ банки»нинг «Ўзэкспомарказ» ОАЖ кўрғазмалар майдонида иштирок этиши муносабати билан куйидаги махсулотларни тайёрлаш лозим.



1. Танлов савдолари предмети: Reception-стол, маълумот пештахталари, маълумотлар устуни (2 дона), буклет учун устун, сенсорли экран учун устун, гул қўйиш учун мўлжалланган стол ва корпоратив логотипи.

2. Танлов комиссияси ишчи органининг номи ва манзили:

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат «Халқ банки», Чилонзор тумани Қатортол кўчаси, 46-уй, индекс 100096. Телефон: 150-13-62, факс: 150-13-38, e-mail info@halkbank.uz.

3. Кўрғазма ўтказиш майдони 3мx4м ни ташкил қилади. Танловга топширилаётган ҳужжатларда стендларнинг дизайнини ҳам кўрсатиш лозим.

4. Стендларни ўтказиб бериш муддати — молиялаштириш очилган кундан бошлаб 2010 йил 10 октябргача.

5. Танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати — 2010 йил 20 сентябрь, соат 18.00 гача.

6. Танлов савдолари ўтказилиш шартлари бўйича қўшимча маълумот олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни!

ЎзХДП: Электорат манфаати

■ Муборак Рамазон ҳайити байрами муносабати билан «Ўзбекистон овози» газетаси тахририяти пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 31-маҳсус Меҳрибонлик уйида хайрия тадбири ташкил этди.

Болаликнинг осмонлари тиник, умид юлдузлари ёруғ бўлади. Мурғак вужуднинг орзу йўлларини ёритмоқ илинжида ҳарорат ва меҳр билан ажиб нурланади. Гўдак учун ота-она — унинг куёби ва ойдир. Шунданми, улардан айро тушган бола ҳимоясиз қолганга ўхшайди. Бундай ҳолатда жажжи қалб учун она Ватан таянч бўлади. У гўдакни ўз бағрига олади. Ҳаётда ўз ўрнини топиши учун Ватан ҳам ота, ҳам она бўлиб ардоқлайди. Асрайди.

Тадбирни «Спорт» телеканали бошловчиси Даврон Қобулов ва киноактриса Шахзода Матчоновалар олиб боришди. — Яқинда Президентимизнинг Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда бу байрамнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти алоҳида кўрсатиб ўтилган, — деди «Ўзбекистон овози» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Фаррух Ҳамроев. — Мен сизларнинг кўзларингиздан бир нарсани сеза-

Азиза, Мансур, Шерзодбек, Диёрбек Махкамов, Севара Дониёрова, Достон Убайдуллаевлар иштирок этишди.

— Ушбу Меҳрибонлик уйига учинчи марта келишим, — дейди Каниза. — Ҳар сафар юрагим алланечук галати бўлиб кетади. Айтишим мумкинки, бу ерда менинг ажойиб, жажжи мухлисларим бор. Қўшиқларимни мен билан жўр бўлиб куйлашади. Уларнинг эътиборидан руҳланиб, янги-янги қўшиқлар яратгим келаверади.

Тадбир том маънода ҳақиқий шоу дастурига айланиб кетди. Айниқса, болалар учун уюштирилган ўйинлар кечага ўзгача шуқу бағишлади. Дастлаб йигитлар тўлини ким кўпроқ ҳавада тепиш, яъни «жонглер» ўйинида қатнашишди. Фолиблар ва қатнашчиларга қимматбахо совғалар тақдим этилди. Кейин хонанда Мансур томонидан «Ким чаққон?» ажойиб ўйини ўтказилди. Бу ўйин қатнашчиларига Азиза совғалар, Мансур эса қўшиқлари ёзилган компакт

бошлашдан олдин албатта руҳсат сўрашади. Директор ҳам ўз навбатида уларни «болам» дейди.

— Ҳозирги кунда бизнинг Меҳрибонлик уйимизда 114 нафар бола тарбияланмоқда, — дейди Дилафруз Жуманова. — Биз болаларни 7 ёшдан бошлаб қабул қиламиз. Улар тўққизинчи синфни битиргач, Чилонзордаги 9-сон касб хунара коллежда ўқишни давом эттиради. Бу йил 21 нафар битирувчимиз коллега йўл олди. Ҳар бир байрамда, дам олиш кунларида кўнглилар дастурлар ўтказиб турилади. Унда Сардор Раҳимхон, Каниза, Азиз Ражабийлар келиб беминнат хизмат қилади.

Шунингдек, болаларимиз спортнинг теннис, таэквондо ҳамда мусика тўғрақларига боришади. Биласиз, бизнинг меҳрибонлик уйимиз маҳсус Меҳрибонлик уйи ҳисобланади. Бу ерда асосан жисмоний имконияти чекланган болалар таҳсил олади. Улар орасида яхши ўқийдиганлари, ҳаракатчанлари кўп. Ҳозирда уч нафар тарбияланувчимизга шифокорлар оммавий мактабда таҳсилни давом эттиришига руҳсат берди.

Ўтган йилги битирувчимиз Виктор Ақтинов «Камалак жилоси» республика ўринни кўлга киритди. Бу йил эса икки нафар тарбияланувчимиз иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди. Қизларимиз учун ракс тўғраги ишлаб турибди. Шунингдек, тикувчилик тўғрагимиз ҳам бор.

Шу ўринда мен Юртбошимизга раҳмат айтмоқчиман. Айнан у кишининг ғамхўр-

«МЕН МАКТАБИМИЗГА КЎП-КЎП ОДАМЛАР КЕЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН, ҲАР ГАЛ МЕҲМОНЛАРНИ КЎРГАНДА ҚУВОНАМАН. КАТТА БАЙРАМ БЎЛИБ КЕТАДИ. УЛАР ЖУДА ЯХШИ КИШИЛАР, БИЗ БИЛАН ЎЙНАЙДИ. ЯНА СОВҒАЛАР ҲАМ ОЛИБ КЕЛИШАДИ. АЙНИҚСА, ҚЎШИҚЧИЛАР, ШОИРЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН. БИЗ БОЛАЛАР БУНДАЙ УЧРАШУВЛАРДА РОСА ЯЙРАЙМИЗ».

МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИСИ УМИДЖОННИНГ СЎЗЛАРИДАН.



Ҳожақабар ТУРОПОВ олган суратлар.

Халқимиз болажон халқ. Меҳр-оқибат тушунчаси ҳам бизда тамоман ўзгача. Айниқса, байрамларда ёши улуглар, бева-бечоралар, ёрдамга муҳтожлар ҳолидан хабар олинади.

Меҳрибонлик уйидаги мазкур тадбирни ўтказишга анчагина тайёргарлик кўрилди. Тадбир бошлангач, болаларнинг шодлиги бизга ҳам кўчиб ўтди. Қайфиятимиз кўтарилди. Шу кун бир нарсани тушуниб етдик, дунёда бола кулгусини, кувончини кўришдан ортқ бахт йўқ экан! Шириндан шакар болаларга қараб кўнглимизни исмсиз ҳислар чулғаб олди.

Концерт дастурини «Ниҳол» муқофоти совриндори Каниза бошлаб берди. Шунингдек, унда эстрада хонандалари

япман, сизлар эртага баркамол авлод бўлиб улғаясизлар. Шу даргоҳда азиз болаларга таълим-тарбия бераётган мураббийлар олдида биз ҳаммаша таъзимдаимиз. Мана бугун саховатли ёшларимиздан бири Мурод Мадрохимов билан ҳамкорликда ушбу эзгу ишга қўл урилди. Кўплаб ажойиб санъаткорларимиз ташриф буруришган. Истардимки, бу каби ҳаракатлар тўхтаб қолмасин. Бошқа меҳрибонлик уйларида ҳам давом этсин.

Бундан уч ойча илгари болалар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда қатнашиш учун ушбу Меҳрибонлик уйига келгандим. Уша пайтдаёқ бир жиҳат эътиборимни тортганди, болалар Меҳрибонлик уйи директорини жуда ҳам яхши кўришар экан! Ҳаммаси «ойихон» деб мурожаат қилишади, бирор ишни

дискларни тақдим этди.

— Мен саккизинчи синфда ўқийман, — дейди тарбияланувчи Ихтиёр Уринов. — Бизда бу каби кечалар тез-тез ўтказиб турилади. Лекин бугунгиси менга кўпроқ ёқяпти. Келажакда мен ҳам таниқчи қўшиқчи бўлоқчиман.

Бундан уч ойча илгари болалар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда қатнашиш учун ушбу Меҳрибонлик уйига келгандим. Уша пайтдаёқ бир жиҳат эътиборимни тортганди, болалар Меҳрибонлик уйи директорини жуда ҳам яхши кўришар экан! Ҳаммаси «ойихон» деб мурожаат қилишади, бирор ишни

ликлари билан болаларимиз бирон камчилик сезмай улғайишмоқда.

Тадбир сўнггида барча болаларимизга ҳомиёлар томонидан совғалар топширилди. Президентимиз Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак деган эди.

Ҳа, савобли-хайрли амаллар энг аввало руҳимизни тозалайди. Қалбдаги губорлар йироқ кетади. Бир сўз билан айтганда, болаларнинг кулгуси, ҳайратли кўзларида дунё уйғонди.

Темур АБЗАМ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Омонатдаги маблағингиз ўн карра ортишини хоҳлайсизми?

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

«ЖАМҒАРМА» ютуқли жамғарилувчи омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 7 ой муддатга йиллик 10 фоиз миқдорида даромад тўлаш шarti билан қабул қилинади. Омонат бўйича фоиз даромадлари билан бирга, ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра 110 та пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин. Ютуқлар омонат қолдигининг 10 фоиз, 20 фоиз, 30 фоиз, 50 фоиз, 100 фоиз, 200 фоиз, 500 фоиз ҳамда 1000 фоиз миқдорида ортиши билан белгиланади.

Ютуқлар тиражи жорий йил декабрь ойининг иккинчи декадасида ўтказилади. ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV

Latif G'ULOMOV

Bobir ALIMOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

G'affor HOTAMOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV

Andrey KUSTOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

225-32-70

Boxoroda —

223-06-02

Gulistonda —

225-46-45

Jizzaxda —

227-48-35

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

226-43-81

Nukusda —

222-77-21

Samarqandda —

235-02-55

Urganchda —

517-30-58

Farg'onada —

224-18-78

Denovda —

8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharh» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849

7943 nusxada bosildi

Т — T'ijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'zA yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqti — 23.00

1 2 4 5

Safuvda erkin narxda